

ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТИ

*Алиева Раъно Амануллаевна, Маматисакова Гулчехра Алимжановна,
Мирзаалимова Гулҳаёхон Жасурбек қизи
Андижон давлат университети, Андижон, Ўзбекистон*

Аннотация. Ушбу мақолада ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинган турли нохуш вазиятларни олдиндан сезиш, олдини олиш ва тезкор ҳаракат қилиш йўллари кўрсатилган.

Калит сўзлар: ҳаёт фаолияти, давлат сиёсат, хавфсизлик маданияти, аҳоли, ҳудуд.

DUTY AND RESPONSIBILITY OF EACH CITIZEN IN ENSURING SAFETY OF LIFE ACTIVITIES

*Aliyeva Rano Amanullayevna, Mamatisakova Gulchekhra Alimjanovna,
Mirzaalimova Gulkhayakhon Jasurbek qizi
Andijan State University, Andijan, Uzbekistan*

Abstract. In this article, the ways of anticipating, preventing and quickly acting on various unpleasant situations, where life safety issues are discussed, are shown.

Keywords: life activity, state policy, security culture, population, territory.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашда ҳар бир фуқаронинг бурч ва масъулияти, соҳага тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни билиш ва ҳаётга тадбиқ этишдан иборатдир. Мазкур масала, Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати даражасигача кўтарилишида ҳам айнан шу мақсад, яъни ҳуқуқий маданиятни юксалтириш назарда тутилган. Кейинги вақтларда ўтказилган йирик анжуманлар, матбуот саҳифаларида ёритилаётган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқий маданият, хавфсизлик маданияти каби ҳали аниқ таърифига эга бўлмаган янги иборалар секин-аста ҳаётга кириб келмоқда. Кишининг интеллектуал салоҳияти, кийиниш одоби ва ҳулқини белгиловчи маданият сўзи секин-аста турли шохобчаларга бўлиниб турли тармоқларни қамраб олмоқда. Дунё меҳваридан муносиб ўрин эгаллаётган, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг маънавий-

ахлоқий маданият илдизлари жуда чуқур ва буюк тарихий меросга эга. Бундан шу давргача сақланиб етиб келган буюк алломаларнинг муқаддас битиклари далолат бериб турибди. Улар ҳамиша ҳаётда хушёр, сергак, эҳтиёткор бўлишга, турли офат-балолардан сақланишга даъват этиб келган. Алалхусус, аҳоли ўртасида хавфсиз ҳаёт кечиришнинг қонун-қоидаларини тарғиб қилишда, муқаддас китобларда битилган ўғитларга амал қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Хавфсизлик маданияти - турли нохуш вазиятларни олдиндан сезиш, олдини олиш ва тезкор ҳаракат қилиш йўллари бўйича нечоғли билим ва амалий тажрибага эга бўлиш билан бир вақтда соғлом, осуда ва фаровон турмуш тарзини тарғиб қилиш билан белгиланади.

Тараққиёт қанчалар юксакликка интилмасин, унинг ажралмас қанотларидан бўлган инсон саломатлиги ва хавфсизлигини кафолатловчи ахлоқий меъёрлар ҳамиша устувор йўналишлардан бири бўлиб келган. Ахлоқий меъёрлар мажмуаси ҳар томонлама ривожланиб, ҳаёт фаолияти шу меъёрлар асосида бўлса, баркамол шахснинг юксак маънавиятига эришиши шунчалар тез амалга ошади. Тарихий манбаларга эътибор берар эканмиз, аввалда ҳам ўлкамиз ҳудудларида турли хавфлар содир бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Шу билан бирга аҳоли ўртасида ҳар бир хавфнинг олдини олиш ва ундан сақланишнинг, гарчи илмий бўлмасада, маълум чоралари ишлаб чиқилиб, амал қилинганлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Бундай ҳолатларда инсонлар аждодларнинг муқаддас китобларида битилган даъватли сўзларга тўлиқ ишонишган ва амал қилишган. Масалан, «Сақланганни сақлайман», «Офат кўрмай десанг, хушёр бўл», «Фалокат оёқ остидадир», «Сақлансанг - соғ қоларсан», «Сердарахт қишлоқни сел олмас», «Синч уйим - тинч уйим» ва шу каби хавфсиз ҳаётга чорловчи сўзлар борки, йиллар ўтган сари уларнинг кадр-қиммати ортиб борса борадики, асло тушмайди. «Ўзингни ва ўзгани қутқар» шиорининг асл моҳияти турли нохуш вазиятларда тушкунликка тушмаслик учун олдиндан маълум чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш борасида

хозирги куннинг дастурил амали бўлиб хизмат қилувчи бир қатор қонунлар ва қарорлар қабул қилинмоқдаки, уларнинг ижросини тезроқ турмуш тарзига тадбиқ қилиш ижобий ўзгаришларга олиб келади.

XX аср поёни ва XXI аср бошларида Ватанимиз Олий Мажлиси томонидан янги асрда аҳоли хавфсизлигини кафолатловчи, фуқаролар масъулияти ва жамият тараққиётининг ҳуқуқий заминини белгиловчи қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. «Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги тўғрисидаги», «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги», «Фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги», «Радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги», «Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги» ва «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги» қонунлар шулар жумласидандир. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш мақсадига йўналтирилган меъёрий ҳужжатлар аҳоли муҳофазасининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Ҳавфсизлик тизими - аҳолини турли офатлардан, ҳалокатлардан, хавфли вазиятлардан муҳофаза қилиш, хавфсиз турмуш тарзини қарор топтириш бўйича ишлаб чиқилган амалий чора тадбирлар мажмуасидир.

Хозирги шароитда «инсон – табиат - жамият» тизимидаги мувозанатни сақлаш фақат қонунлар устуворлиги, ҳуқуқий маданият ва аҳолининг онгли ҳаракатлари асосида бўлиши муқаррар. Хавфсизлик тизимидан кутилган асосий мақсад ҳам шу тизимдаги ўзаро узвий боғлиқликка зарар етказмаслик, мабодо ҳалокат рўй бергудек бўлса, табиий ва ижтимоий жабҳалардаги нобутгарчиликни олдини олиш, уларни бартараф қилишда иқтисодий самарадорликка эришишдан иборатдир. Бинобарин, мазкур масалага ажратиладиган маблағларнинг аксарият қисми нохуш вазиятлар келтирадиган зарарни қоплаш учун эмас, балки уларнинг олдини олиш, инсонлар саломатлигини таъминлаш, атроф муҳитга жиддий зарар етиши кўламини камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларга сарфланмоқда.

Шу мақсадда қабул қилинган ҳужжатлар нафақат аҳолини турли нохуш вазиятлардан муҳофаза қилиш, балки Ватанимиз ҳудудларини муҳофазалаш,

соғломлаштириш, муқаддас заминни асраб-авайлашдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни башоратлаш, олдини олиш, талафотларини камайтириш ва оқибатларини бартараф этиш йўллари хуқуқий белгилади.

Аҳолини ва ҳудудларни турли офатлардан муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш биргина вазирлик ёки битта соҳанинг муаммоси бўлиб қолмай, у умумхалқ муаммоси бўлиб, эзгу мақсадларга эришишда аҳолининг барча қисми ёппасига ҳаракат қилиши лозим. Хавфсизлик маданиятини ёшлар ўртасида тарғиб қилишнинг долзарблиги шундан иборатдир.

Ҳар қандай мамлакатнинг демократик ва инсонпарварлик хусусиятларидан бири шу давлатдаги инсонга бўлган муносабат, инсон ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг саломатлиги йўлидаги меъёрий ҳужжатларни қабул қилиши ва жорий этиши билан ўлчанади. Хусусан, ҳаёт хавфсизлиги, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, қулай атроф муҳитни сақлашга қаратилган қонунларни билиш ва уларга амал қилишда юқоридаги талаб ва қоидаларга эътиборни кучайтириш, нафақат тарғиб қилиш, балки ижросини таъминлаш орқали юксак фуқаролик масъулияти адо этилади.

Фойдаланган адабиётлар

1. “Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси” О.Қудратов, Т.Ғаниев Тошкент 2005й.
2. “Ҳаётини фаолият хавфсизлиги” Ғ.Ёрматов. Тошкент 2009.
3. “Ҳаётини фаолият хавфсизлиги” А.Қудратов. Тошкент 2005.
4. A. Friend and James P. Kohn “Fundamentals of Occupational SAFETY AND HEALTH “ Fourth Edition Mark Government Institutes An imprint of The Scarecrow Press, Inc. Lanham, Maryland • Toronto • Plymouth, UK 2007.
5. Eugene Odum. Fifth Edition of “Fundamentals of ecology”. Cengage Learning; edition (July 27, 2004).
6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.

7. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 47 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 485 б.